

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2026 йил февраль ойининг 5 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносига, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Б.Эргашев,

ҳайъат судьялари: Ф.Сиддиқова ва Х.Сотволдиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Саидмуродхоновнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори Н.Азимов, ҳимоячи Х.Мамажонов ва судланган Х.Бўроновнинг иштирокида, Х.Бўроновга оид жиноят ишини унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2026 йил 5 январдаги ҳукмига кўра:

Бўронов Хаётжон Исмоилович, 1981 йил 30 ноябрда Учкўприк туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, бир нафар фарзанди бор, ишсиз, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Олтиариқ тумани судининг 2008 йил 10 сентябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддаси тартибида ярашув асосида тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Поп тумани судининг 2022 йил 6 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, 12.10.2016 йилги амнистия актига асосан тайинланган жазо учдан бир қисмига қисқартирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.12.2023 йил кунги қарорига кўра, ўталмай қолган 2 йил 9 ой 26 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан афв этиш асосида муддатидан илгари шартли озод қилинган, Учкўприк тумани, “Қумариқ” МФЙ, Арабқўрғонча кўчаси, 44-уйда яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан 10 йил, ЖКнинг 60-моддаси тартибида 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан Х.Бўронов “ўта хавфли рецидивист” деб топилган.



Суднинг ҳукмига кўра, Х.Бўронов илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс бўлгани ҳолда кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини келгусида қонунга хилоф равишда сотиш йўли билан ўтказиш мақсадида 2025 йил 8 октябрь куни жиноят ишининг қисми ажратилган шахсдан 8.050.000 сўмга 3 та бўлакда қадоқланган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, битта бўлакдагисини чўнтагига яшириб, қолган 2 та бўлакдагисини ўзи бошқарувида бўлган “Lacetti” русумли 40 L 445 LD давлат белгили автомашинасига яшириб, шу куни соат 14-30 ларда Фарғона шаҳар “Ёрмозор” МФЙ ҳудудида автомашинасида ҳаракатланиб кетаётганида Қувасой шаҳар ИИБ ТҚХ ЖКБ ва ДХХ Қувасой шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда тўхтатиб, ушланиб уни ёнидан 1 бўлак ҳамда автомашина саломидаги поликдан 2 бўлак, жами 154.72 грамм кўп миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик моддаси холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинди, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиш жиноятини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказа олмаган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 9 октябрдаги № 2011-сонли ҳулосасига кўра, ашёвий далил тариқасида олинган ва целлофан пакетга солинган тўқ жигар рангли, юмшоқ прессланган эгилувчан ҳолдаги, ўзига хос ҳидли моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу “гашиш” деб аталувчи гиёҳванд воситалар туркумига кириши, унинг соф оғирлиги 4.96 граммга тенглиги;

суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 9 октябрдаги № 2012-сонли ҳулосасига кўра, ашёвий далил тариқасида олинган ва целлофан пакетга солинган тўқ жигар рангли, юмшоқ прессланган эгилувчан ҳолдаги, ўзига хос ҳидли моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу “гашиш” деб аталувчи гиёҳванд воситалар туркумига кириши, унинг соф оғирлиги 149.76 граммга тенглиги кўрсатилган.

Судланган Х.Бўронов ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятни, гиёҳвандлик моддасини сотиш мақсади бўлмаганлиги ҳақида важлар келтириб, ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддасига қайта квалификация қилишни сўраган.

Апелляция инстанцияси, иш бўйича вилоят суди судьяси Х.Сотволдиевнинг маърузасини, прокурор Н.Азимовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи Х.Мамажонов ва судланган Х.Бўроновнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган Х.Бўроновнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун



етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганлиги: гувоҳ М.Абдуллаев, Ж.Эргашалиев, О.Болтабоев ва С.Содиқовнинг кўрсатувлари, шунингдек жиноят ишидаги билдирги, тезкор тадбир ва ашёвий далилни олиш, ашёвий далилни тортиб олиш баённомалари, судга оид кимёвий экспертизанинг 2025 йил 09 октябрдаги №2011-2012-сонли хулосалари ҳамда судда текширилган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келинган.

Гарчанд, судланган Х.Бўронов ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятда, гиёҳвандлик моддасини сотиш мақсади бўлмагани сабабли ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддасига қайта квалификация қилиш ҳақида важлар келтирса-да, мазкур важлар судлов ҳайъати қуйидаги асосларга кўра келишмади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисмида, гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш жинойи жавобгарликни келтириб чиқариши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 20-бандида, дастлабки тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда эгаллашдан кўзланган мақсадни аниқлашлари зарурлиги, гиёҳвандлик воситаларини эгаллаш уларни келгусида ўтказиш (сотиш) учун содир этилганлиги аниқланган тақдирдагина, айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд сифатида кўшимча равишда ЖК 25,273-моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги;

25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар кириши, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳолатларига кўра, Х.Бўронов илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс бўлгани ҳолда кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини келгусида қонунга хилоф равишда сотиш йўли билан ўтказиш мақсадида



2025 йил 8 октябрь куни жиноят ишининг қисми ажратилган шахсдан 8.050.000 сўмга 3 та бўлакда қадокланган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, битта бўлакдагисини чўнтагига яшириб, қолган 2 та бўлакдагисини ўзи бошқарувида бўлган “Lacetti” русумли 40 L 445 LD давлат белгили автомашинасига яшириб, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиш жиноятини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказа олмаганлиги аниқланган.

Гувоҳ С.Содиқов судда, Қувасой шаҳар ИИБ ТҚХ ЖҚБ бошлиғи лавозимида ишлаб келиши, Ўзбекистон Республикаси “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунига асосан Қувасой шаҳар ҳудудида яшовчи гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласи билан шуғулланаётган “Умид” исмли шахсдан гиёҳвандлик воситаси сотиб олиб, танишларига қайта сотаётган Учкўприк туманилик Х.Бўроновга нисбатан тезкор маълумотлар тўпланиб, йиғма жилд юритилгани, тезкор маълумотларга асосан илгари Х.Бўронов “Умид” исмли шахсдан икки марта гиёҳвандлик воситаси сотиб олиб кетгани, бироқ тадбир ўтказилмагани учун ушлаш имкони бўлмагани, сўнг 2025 йил 8 октябрь куни ўтказилган тадбирда Х.Бўронов “Умид” исмли шахсдан гиёҳвандлик воситаси сотиб олиб, ўзи бошқарувида бўлган “Lacetti” русумли 40 L 445 LD давлат белгили автомашинасида Фарғона шаҳар “Ёрмозор” МФЙ ҳудудида ҳаракатланиб кетаётганида тўхтатилиб, ёнидан 1 бўлак ҳамда автомашина салонидан 2 бўлак, жами 154.72 грамм кўп миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик моддаси ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олингани, Х.Бўронов ушбу “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўзини истеъмолидан ортиқча олгани ва илгари ҳам икки марта “Умид” исмли шахсдан олиб кетгани ҳисобига гиёҳвандлик воситасини бошқа шахсларга сотиб келиши ҳақида тезкор маълумотлар тўплангани ҳақида кўрсатув берган.

Бундан ташқари, жиноят ишидаги билдирги, тезкор тадбир ва ашёвий далилни олиш, ашёвий далилни тортиб олиш баённомалари, судга оид кимёвий экспертизанинг 2025 йил 9 октябрдаги № 2011, 2012-сонли хулосалари, гувоҳларнинг дастлабки тергов давридаги сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Апелляция инстанцияси судланган Х.Бўроновнинг шикоятдаги, ашёвий далил тариқасида олинган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўзини истеъмоли учун олиб кетаётгани, қайта сотиш мақсади бўлмагани ҳақидаги важларини уни ёнидан ва автомашинасига яширилган ўзини истеъмолидан ортиқча 3 бўлакда муайян дозада, яъни 100 грамм, 50 грамм ва 5 граммда қадокланган жами 154.72 грамм кўп миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик воситаси олингани, Х.Бўронов илгари ҳам кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини онунга хилоф равишда сотгани учун судлангани ҳамда гувоҳ С.Содиқовнинг суддаги, Х.Бўронов ушбу “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўзини истеъмолидан ортиқча олгани ва илгари ҳам икки марта “Умид” исмли шахсдан олиб кетгани ҳисобига гиёҳвандлик воситасини бошқа шахсларга сотиб келиши ҳақида тезкор маълумотлар тўплангани ҳақидаги



кўрсатуви ва ишдаги билдирги (и.в.б) билан рад қилиб, ушбу важларни ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келмаган ва ўзини жиноий жавобгарликдан қутқариш мақсадида келтирган важлари сифатида танқидий баҳолаб, ушбу важлар билан келишмади.

Биринчи инстанция суди, Х.Бўроновнинг қилмишига тўғри баҳо бериб, ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Бундан кўринадики, суд ҳукмида баён этилган хулосалар ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ бўлиб, ушбу ҳолатлар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослангандир.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддаси 3-қисмининг “а” бандида, илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши рецидив жиноят деб топилиши белгиланган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди Х.Бўроновга жазо тайинлашда, ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилиб, унинг оилавий шароити ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахс бўла туриб, қасддан янги жиноят содир этганини инобатга олиб, шу билан бирга, гиёҳвандлик воситаси миқдори, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, илгари ҳам шундай жиноят содир этиб, жазодан афв асосида муддатидан илгари шартли озод қилинган даврда тузалиш йўлига ўтмасдан қайта шу турдаги жиноят содир этганини эътиборга олиб, у айбланган модда санкцияси назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам миқдорини тайинлаб, илгари ўта оғир жиноят содир этиб, 7 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилингани сабабли ЖКнинг 34-моддаси тартибида ўта хавфли рецидивист деб топиб, адолатли хулосага келган.

ЖПКнинг 497²⁶-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси, агар чиқарилган суд ҳукми моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, ҳукмни ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақлидир.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси Х.Бўроновга оид суд ҳукмини ўзгаришсиз, унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497²⁶, 497³¹, 497³⁶-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Бўронов Хаётжон Исмоиловичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2026 йил 5 январдаги хукми ўзгаришсиз, унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоят каноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан шу суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Б.Эргашев

Ҳайъат судьялари:

имзо

Ф.Сиддиқова

имзо

Х.Сотволдиев

нусхаси аслига тўғри:

вилоят судининг судьяси

Х.Сотволдиев

